

ЭКОЛОГИК ТАРБИЯ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ ЙЎНАЛИШИ СИФАТИДА

Набиев Санжар Абдурахмонович

Гуманитар ва ижтимоий фанлар цикли, Фалсафа магистри, ўқитувчи, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар Кичик мутахассислар тайёрлаш маркази

ARTICLE INFO.

Ключевые слова: экология, тарбия, экологик муаммолар, экологик хавф, экологик маданият, экологик билим, маънавий-ахлоқий тарбия, табиат, цивилизация, атроф-мухит.

Аннотация

мақолада экологик тарбия маънавий-ахлоқий тарбия йўналиши сифатида жамият маънавий-ахлоқий тараққиётидаги аҳамияти, инсоният тараққиётининг ҳозирги босқичида экологик билимларни инсон онгу шуурига сингдириш ва ҳаёт тарзида амалий ақс эттириш каби муҳим масалалар ҳақида батафсил илмий асосланган маълумотлар берилган.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2023 LWAB.

Инсоният тараққиётининг ҳозирги даврига келиб, “табиат-жамият-инсон” муносабатларидаги ўзаро номутаносибликлар натижасида вужудга келган экологик муаммолар жаҳон цивилизацияси келажагига жиддий хавф туғдирмоқда. Бу ҳолат инсоннинг ўз эҳтиёжларини қондириш учун табиатни ўзгартириш ва ўзлаштириш мақсадида амалга оширган фаолияти натижасидир.

Ер, мулк, табиий бойлик эгаси бўлишнинг ўзигина табиатга ғамхўрона муносабатни ўз-ўзидан шакллантиравермайди. У бунинг учун асос яратади, холос. Айрим кишилар табиат ҳеч кимники эмас, у барчага баравар, унга зарар келтирилгани билан ҳеч ким жавобгар бўлмайди, деган ўйлар билан яшайди. Бундай тасаввур табиат бойликларига нисбатан фақат истеъмол манбаи сифатида қарашга олиб келади. Бундай муносабат эса табиатга ҳам, жамиятга ҳам зарар келтиради.

Инсон табиат бойликларидан ўз моддий ва маънавий эҳтиёжлари учун фойдаланар экан, уни қайта тиклашни ҳайвонлар, ўсимликлар, қўш ва балиқлар, хуллас, ундаги барча жонзотлар учун ғамхўрлик қилиш лозимлигини сира унутмаслиги керак. Фақатгина атроф-мухитга бўлган ана шундай муносабатнигина ахлоқий жиҳатдан тўла асосли деб билиш мумкин. Чунки у ҳар бир инсон учун ҳам ва ҳатто бутун жамият учун ҳам фойдалидир.

Ҳозирги мавжуд экологик муаммоларни ўрганиш, уларни тушуниб етиш ва зарур тадбирларни амалга оширишда иштирок этиш учун ҳар бир инсон маъсулдир. XXI аср инсониятнинг ривожланиши тарихида туб бурилиш асри бўлиши шубҳасиздир. Инсониятнинг яшаш муҳити бўлган биосферадаги ҳаёт шароитларини келажак авлодларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда сақлаб қолиш зарурдир. Бунинг учун мисли кўрилмаган саъй-ҳаракатларни амалга ошириш талаб қилинади.

Атроф-мухитни ифлосланишдан сақлаш, аҳолини ичимлик суви, экологик тоза озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, биологик хилма-хилликни асраш, иқлим ўзгаришларининг

олдини олиш, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш долзарб муаммолар ҳисобланади ва уларни ижобий ҳал қилиш инсоният келгуси тараққиётини белгилаб беради.

Ҳозирги вақтда табиат ва инсон ҳаётининг экологик хавф остида қолиш жараёни янада мураккаблашиб, мушкуллашиб бормоқда. Ер юзи табиатининг барқарорлиги, турғунлиги ва унинг ўзига хос қонунларини инсоният томонидан бузилишининг асосий сабабларидан бири кишиларнинг атров-муҳит ҳақидаги билимларининг етишмаслиги, яъни экологик маданиятнинг сустлигидир.

Экологик маданиятни юксалтиришга хизмат қиладиган экологик билимларни шакллантиришда таълим-тарбиянинг аҳамияти каттадир. Экологик таълим-тарбияни ривожлантириш, унда жамоатчилик ролини ошириш барқарор ривожланишни таъминлашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Глобаллашув жараёнлари авж олиб бораётган замонавий дунёда инсоният келажагини таъминлашнинг асосий йўналишларидан бири тўғри йўлга қўйилган таълим-тарбиядир. Чунки инсонларнинг дунёқараши, маънавий оламини ўзгартирмасдан бугунги давр муаммоларига қарши курашиб бўлмайди.

Таълим-тарбия барча даврларда инсоният тараққиётининг омили бўлиб келган ва вужудга келган муаммоларнинг ечимини топишга хизмат қилган. Шу нуқтаи-назардан, экологик муаммоларни олдини олиш ва инсоният келажагига таъсирини камайитиришда экологик тарбиянинг ўрни бекиёсдир.

Экологик тарбия тарбиянинг муҳим йўналиши сифатида XX-асрнинг 60-йилларида илмий муаммолага киритилди. Экологик тарбия билим олиш ва фаолият жараёнида шаклланиб боради. Экологик тарбияда одамнинг жамиятдаги тарбияси, иқтидори ва қобилияти ўзлигини намоён этади. Кишиларнинг экологик тарбияси бир қанча босқичларда амалга оширилади. Ҳар бир босқичда экологик тарбиянинг маълум шакллари ва усуллари таркиб топади. Ёши улғайган сари экологик тарбия ҳам юксалиб боради. Аммо бу ўсиш ўз-ўзидан бўлмайди. Унинг шаклланиши инсонни ўзини ўраб турган табиатни, атроф-муҳитни қанчалар билиши ва ҳис этишига боғлиқ. Шу нуқтаи-назардан, экологик тарбия инсоннинг маънавий-ахлоқий тарбияси билан боғлаб олиб борилиши шарт.

Маънавий-ахлоқий тарбия натижасида инсонлар онги ва дунёқарашлари тизимида юксак маънавий-ахлоқий фазилатлар шакллантириб борилади. Юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлган инсон ҳеч қачон табиат, атроф-муҳит, экологияга ёмон муносабатда бўлмайди.

Экологик тарбия жараёнида маънавий-ахлоқий анъана, урф-одат ва кадрятлардан фойдаланиш яхши самара беради. Жумладан, ўзбек халқи маънавияти ва ахлоқий қарашлар тизимида табиатга, атроф-муҳитга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, уларни асраб-авайлаш муҳим ўрин эгаллаб келган. Бу борада ажодларимизнинг юксак маънавий мероси бўлмиш “Авесто”да атроф-муҳитга, она заминга, табиат неъматларига эҳтиёткор тарзда муносабатда бўлиш, уларни асраб-авайлаш асосий ғоялардан бири бўлган. Аждодларимиз табиатни авайлаб, уни кўз қорачиғидек асрашган ва уни илоҳийлаштирганлар.

Экологик хавфсизлик масалалари муқаддас динимиз исломда ҳам ўз ифодасини топган. Ислום таълимотида, нафақат тана ва атроф-муҳит тозалигига эътибор берилган, балки таомларни танаввул қилишда ҳалол ва харомнинг фарқига боришда ҳамма вақт тозалikka риоя қилиш-ҳар бир мусулмон аҳлининг бурчи бўлган.

Экологик таълим-тарбия жараёнида аждодларимиздан бизга маънавий мерос бўлиб қолган асарлардан ҳам фойдаланиш яхши самара беради. Тарихимизда ўтган буюк олимларимизнинг асарларидаги экология муаммолари ва табиатдаги экологик мувозанатни сақлаш масалалари ҳақидаги маълумотлар экологик тарбияда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

X ва XII асрда яшаган Марказий Осиё алломаларидан Абу Абдулло Ибн Муҳаммад Ибн Мусо

Ал-Хоразмий ўзининг “Китоб сурат ул-арз” номли асарида 637 та муҳим жойлар, 209 та тоғнинг географик тафсилотини берган, дарёлар, денгизлар ва океанлар ҳавзаси шаклини, уларда жойлашган оролларнинг муҳим ўлчамларини кўрсатади.

Мазкур асарда бутун дунё, китъалар, океанлар, кутблар, экватор, саҳролар, кўллар, ўрмонлар, барча мамлакатлар, ўлкалар, у ердаги ҳайвонат ва ўсимлик дунёси, бошқа табиий ресурслар, аҳоли, уларнинг тарқалиши, урф-одатлари, хунари, аҳоли зичлиги ҳақидаги маълумотлар ўз аксини топган. Ал-Хоразмий табиатдаги экологик қонуниятларни чуқур билган ва уни эъзозлашга алоҳида эътибор қаратган.

Буюк аждодимиз Абу Райҳон Беруний ўзининг “Геодезия” (“Таҳқиқ ниҳоят ал-амокин ил-тасҳих масофат ал-масокин”), “Ҳиндистон, “Микералогия” (Китоб ал-жамохир фи-Маърифат ал-жавоҳир) ва “Сайдана” (Китоб ас Сайдана-фит-тибб) каби асарларида табиий ва сунъий танлаш ҳақидаги фикрлари, айниқса, диққатга сазовордир. Бу-Берунийдан кейин 900 йил ўтгач, буюк инглиз олими Чарльз Даврин томонидан яратилган эволюцион таълимотнинг дастлабки пойдевори эди. Беруний шуни алоҳида қайд этиб, ер юзини бир хил дарахт ёки бир хил ҳайвон бутунлай қоплаб олса, бу ҳолда ўсимликларнинг ўсиши ва ҳайвонларнинг кўпайиши учун имконият бўлмас эди, дейди. Шунинг учун ҳам асаларилар ўз жинсидан бўла туриб, ишламай асални бекорга еб ётганларини ўлдириб юборади. Дехқонлар ҳам экинларни ўтоқ қилиб, кераксизларини юлиб ташлайди, боғбонлар дарахтларнинг яроқсизларини кесиб ташлайди. Табиат ҳам худди мана шундай донишмаддир. Беруний ўзининг “Сайдана” китобида ботаника, зоология, зоогеография, фитогеография ва табиатнинг бошқа соҳаларига таалукли фанлар ҳақида кўп фикрларни киритади, уларни изоҳлашга катта эътибор қаратади.

Бу йирик табиатшунос олим шуни алоҳида қайд этадики, ер юзидаги ўзгаришлар ўсимлик ва ҳайвонат дунёсининг ўзгаришига сабаб бўлади. Ерда тирик мавжудотларнинг пайдо бўлиши ер тарихи билан боғлиқдир. Ер юзидаги жонли организмларни ўрганишда ер қобиғи муҳим тарихий манба эканлигига алоҳида эътибор беради. У ўзининг Қорақум ва Қизилқумларда олиб борган палеонтологик қазилмалар натижасида топган чиғаноқлари асосида фикрларини исботлайди. Ўша даврларда Беруний томонидан илгари сурилган ғоялар турғунлик йилларида Оролбўйи худудларида дехқончилик тизимида йўл қўйилган хатоликлар оқибатида содир этилган экологик фожиаларда ўз аксини топди.

Абу Али Ибн Синонинг фалсафий табиий-илмий қарашлари унинг машҳур асари “Китоб-Аш-шифо”, яъни “даволаш” китобида баёт этилган. Бу китоб 18 томдан иборат бўлиб, тўрт қисмга: мантиқ, табиий фанлар, математика, (риёзиёт) ва фалсафага бўлинади, бу асарда ботаника, зоология, геология ва атроф муҳит тўғрисидаги масалалар ҳақида фикр юритилади.

Камолиддин Абдураззоқ Самарқандий ўзининг “Ҳиндистон сафари достони ва ер ажойиботларининг шаҳри, ғаройиботларнинг баёни” (“Достони сафари Ҳиндистон, шаҳри ғаройиби ва баёни ажойиби он”) асарида олим 1441-1444 йилларда Ҳиндистонга қилган саёҳатидан олган таъсуротларини баён қилган. Самарқандий саёҳат давомида учраган мамлакатлар, шаҳарлар, тоғлар, саҳролар, дарёлар, денгизлар, табиат, об-ҳаво, ўсимликлар ва ҳайвонат дунёси ҳақида датафсил маълумотлар беради. Хусусан Арабистон дашти об-ҳавоси нақадар иссиқлигини қуйидагича изоҳлайди: “... Тез учар қушлар ва дарахтларга ин қурган кумри, зағизгон, чумчук, ва бошқа қушлар эрталаб ўлиб дарахт тагига қулаган эдилар”.

Бу табиатшунос олим ўз асарларида Ҳиндистон, Арабистон, Марказий Осиё ва уларга қўшни мамлакатларнинг санъати, савдо-сотиғи, табиати, ўсимлик ва ҳайвонат дунёсига ўрганади, улар ҳақида батафсил маълумотлар келтиради.

Шунинг учун ҳам мазкур асарлар Ҳиндистон, Арабистон, Марказий Осиё ва қўшни давлатлар, уларнинг табиатини ўрганишда асосий қўлланма сифатида фойдаланилади.

Буюк давлат арбоби, шоир, олим Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг “Бобурнома” асарида табиат гўзалликларини тасвирлаб ўсимликлар дунёсининг саломатлик бахш этишдаги ролига аҳамият беради. Хусусан, ўсимликлар географияси, горизонтал ва вертикал зоналар ҳақида маълумотлар геоботаника фани учун ниҳоятда катта аҳамиятга эгадир.

Бобур ўз даврининг етук табиатшунос, экологик ва ботаник олими бўлган, деб ҳисоблаш мумкин. Унинг хурмо дарахти ҳақидаги қуйидаги сўзлари бунинг гувоҳидир. “Дерларким, наботот орасида хурмо дарахтининг икки иши ҳайвонга ўхшар:

Бири улким, нечунким ҳайвонат бошини кессалар ҳаёти муннатиб бўлур. Хурмо дарахтининг ҳам боши кесилса, дарахт қурур”. Бобурнинг бу асарида баъзи ўсимлик мевалари морфологияси, таркиби, халқ хўжалигидаги аҳамияти ҳақидаги маълумотлар ҳам ўзига хос зехн билан ёритилган.

Ўзбек халқи ўзига хос этноэкологик қадриятлар тизимига эга. Халқимизга хос экологик қарашлар диний тасаввурлар ва маросимларда, моддий маданиятда, хўжалик юритиш анъаналарида, тақвимий байрамлар ва оилавий маросимларда муштарак намоён бўлади. Маънавий-ахлоқий қадриятларимиз барча даврларда халқимизнинг этноэкологик маданияти учун асосий манба бўлиб келган.

Мамлакатимизда ёш авлодни маърифатли, маънавиятли, жисмонан бақувват, руҳан пок ва соғлом авлод қилиб вояга етказишга катта эътибор бериб келинмоқда. Бу борада амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини оширишда, жамиятимизда экологик маданиятни юксалтиришга йўналтиришда экологик тарбиянинг аҳамияти бекиёсдир. Шу нуқтаи-назардан, экологик таълим-тарбияни олиб боришда миллий маънавий-ахлоқий анъаналар, урф-одатлар, қадриятларимизни ўзида мужассамлаштирган экоудумларимиздан фойдаланиш яхши самара беради.